

## HYGROMIIDAE ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Махмуджонов Зафаржон Муроджон ўғли,** катта ўқитувчи б.ф.ф.д (PhD),

**Суюнова Ёдгора Музатфаржон қизи,** магистр талаба.

Гулистон давлат университети,

[z\\_makhmudjonov@mail.ru](mailto:z_makhmudjonov@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада Hygromiidae оила вакилларининг экологик комплексдаги намлика бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, биотоплардаги намлик даражасига қараб қуйидаги гурухларга бўлиб чиқилган: намлик 70-80% бўлса, у ердаги моллюскаларни гигробионт, 50-70% бўлса, мезобионт ва намлик даражаси 50% гача бўлса, ксеробионт.

**Калит сўзлар:** Экология, минтақа, намлик, биотоп

### **ABSTRACT**

In the article according to the necessity of Hydromidae family members for the moisture of the ecologic complex, on the basis of the moisture degree in the biotops, they are divided into following groups: If the moisture is 70-80% the mollusk in there will be gigrobiont, if 50-70% Mezobiont and if the moisture's degree is lower than 50% it will be xerobiont.

**Key words:** ecology, continent, moisture, biotop.


Ўзбекистон малакофаунасини режали тарзда ўрганиш XX асрнинг 90 йилларидан бошланган бўлиб, хозирги вақтда фаунистик тадқиқотларга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Чунки, бугунги кунда у ёки бу худудда атроф – муҳитнинг антропоген кучлар таъсирида кескин ўзгариши, биологик хилма-

хилликни, ҳамда мавжуд турларини сақлаб қолиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишни тақозо етмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида 150 дан ортиқ қуруқлик моллюскалари тарқалган бўлса-да, бироқ ҳозиргача уларнинг биоэкологик хусусиятларига оид маълумотлар етарли эмас, борлари ҳам фрагментар характерга эга [1,2,3,4]. Шунга қўра табиий екосимтемалар кескин ўзгарган ҳудудларда қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркиби, тарқалиши ва экологиясини ўрганиш ҳозирги долзарб муаммолар сарасига киради.

Экологик комплексдаги моллюскаларни намлика бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, биотоплардаги намлик даражасига қараб, уларни тўртта катта гуруҳга бўлиш мумкин: гигробионт, мезобионт, ксеробионт ва мезоксеробионт. Моллюскаларнинг у ёки бу гуруҳга мансублиги биотоп намлик даражасини таққослаш асосида амалга оширилади. Марказий Осиёнинг мураккаб рельеф тузилиши, ҳар хил шароитдаги қуруқдан то намлик даражаси ўта юқори бўлган биотопларни шаклланишига олиб келади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида *Hygromiidae* оила вакилларининг яшаш жойи хусусиятидан келиб чиқиб, улар қуйидаги экологик гуруҳларга ажратилди:



**1-расм. Биотоплардаги намлик омилига нисбатан *Hygromiidae* оила вакилларининг экологик гуруҳлари.**

К.К. Увалиева [5] томонидан Қозоғистон ва унга ёндош ҳудудларда тарқалган қуруклик моллюскаларининг яшаш муҳитидаги намлик даражасига қараб, намлик 70-80% бўлса, у ердаги моллюскаларни гигробионт, 50-70% бўлса, мезобионт ва намлик даражаси 50% гача бўлса, ксеробионт гурухларга ажратган.

**Гигробионт турлар.** Бу гурух вакиллари, намлик даражаси юқори бўлган биотопларда (сув бўйларига яқин жойлардаги ўсимлик орасида ва тўкилган барг қопламлари ости) яшайдиган *L. ferghanica*, *Paedhoplita lentina*, *P. buamica*, *P. laminata*, *P. lindholmi* турлари киради.

**Мезобионт турлар.** Бу гурухга намлик даражаси ўртacha бўлган биотопларда яшайдиган: *Nanaja cimulata*, *Odontotrema diplodon*, *Angiomphalia copiosa*, *An. seductilis*, *An. caelestiomontana*, *An. exasperata*, *An. regeliana* турлар кириб, улар йирик ҳарсанг тошлар остида, бутали ва дараҳтли ўсимликлар остидаги барг қопламлари остида яшайди.

**Ксеробионт турларга** қурғоқчил биотопларда (очик жойлардаги ўсимликлар поясида, тош уюмлари остида) яшайдиган: *L. rufispira*, *L. retteri*, *L. caria*, *L. hypophaea*, *L. crassicosta*, *X. candacharica*, *Archaica eleorika*. *Archaica hazratishaxika* турлари киради.

**Мезоксеробионт турлар.** Бу гурух вакиллари оралиқ турлар хисобланиб, уларга асосан, озуқа манбаига боғлиқ ҳолда мезобионт ва ксеробионт шароитга эга бўлган биотопларда яшайдиган: *Nanaja chatkalica*, *Leucozonella caryodes*, *L. rubens*, *L. mesoleuca*, *L. angulata*, *L. schileykoi*, *L. globuliformis*, *L. intermediia*, *L. corona*, *Archaica heptapotamica*, *Ar. labianix*, *Ar. apollinis*, *Monacha carthusiana* турлари киради.

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, турлар сонига нисбатан мезоксеробионтлар кўпчиликни ташкил этиб (13 тур), Ўзбекистонда учрайдиган жами Hygromiidae ларнинг 39,39%га teng. Ундан кейин ксеробионтлар 8 тур ёки 24,24%, мезобионтлар 7 та 21,21% ва гигробионтлар 5 тур ёки 15,15% ташкил этади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. З.Махмуджонов, С.Абдурашитов, Б.Чутанов. Distribution and lifestyle of *Leucozonella mesoleuca*. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). SJIF Impact Factor 2022: 8.197| ISI I.F. Value:1.241|

<https://doi.org/10.36713/epra2016>

2. З.Махмуджонов, Х.Хакимов, Н.Мехмонова, Ш.Насридинова, Б.Чутанов. *Leucozonella mesoleuca* нинг ички тузилиши ва ҳаёт цикли. НамДУ Илмий ахборотномаси. -2022/5. 262-2686

3. Pazilov AP, Umarov FU. On the ecology and species diversity of the freshwater gastropods of springs in Andijan Region, Uzbekistan. Bull Iraq Nat Hist Mus. 2021; 6 (3): 325-340. <https://doi.org/10.26842/binhm.7.2021.16.3.0325>

4. Pazilov A, Gaibnazarova F, Mukhammadiev Z. Complexes of land mollusks of various biotopes of the ugam and pskom mountain ranges. Int J Hum Comp Stud. 2021; 3 (1): 45-51. doi:[10.31149/ijhcs.v3i1.1223](https://doi.org/10.31149/ijhcs.v3i1.1223).

5. Увалиева К.К Наземные моллюски Казахстана и сопредельных территорий. - Алматы: Наука Каз. CCP, 1990. - 224 с.